

## «ТУРКИСТОН ТАРИХИ» КЕРАК

Тарих кўп ахамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбукурки, бир миллатнинг на тарикада, кайси йўл ила тараккий этганин ўкиб, ибрат олмок ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мункариз бўлуб кетганин ўкуб мундан хам истифода этмак мумкиндур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамиизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг майший, сиёсий ахволига доир «Туркистон тарихи» бор бўлгонда, они кўз олдимизда кўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараккий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мункариз бўлуб кетганларини ўкуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандок хозирги холимизни боболаримиз давридаги холларга бир даража мукояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний хис эдуб, юзларимиз кизарар эди. Холо, биз туркистонийлар мархум боболаримиз ахволи хам Туркистон вокеоти тарихиясидан бутун гофил ва бехабардурмиз. Чунки хануз Туркистон тарихи ҳакинда янги тадқикот илиа ёзилгон, тартибли ва истифодали мукаммал бир асар вужудга келган йўк. Тўгриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан хануз майдонга чикгон йўкки, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўгул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор.

Бурунги асрларда Туркистон ва турклар вокеоти ва ахволи ҳакинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошка ёвропойилар истифода этган ва этмакдадурлар. Лекин у муҳталиф тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги мухокама ва тадқикот илиа ўз шевамиизда мунтазам бир асар вужудга келтурганимиз йўк. Балки бизлар андог тарихий китоблардан аксарият илиа хабарсиз бўлуб, баъзисидан хабардор бўлсак хам, аларнинг табъ ва нашрига ахамият бермаймиз. Чунки бизнинг халклар андог китоблардан кўра хурофотлик кисса, хикоя ва ошикона газал китобларига зиёда, рагбатлик бўлганидан моддий фойдасини кўзлаб, шундай афсона ва аслсиз китобларни табъ ва нашр этмақдамиз. Шунинг учун кундан-кун мухим тарихий китобларимиз кўздан тушуб, эсдан чикуб кетмакдадурки, мунинг айбу гунохи Туркистондаги манфаатпараст китобчилар бўйнига тушса керак. Чунки бу сўнг йилларда китобчилар тарафидан турли хурофотлик китоб ва рисолалар нашр бўлинуб турганлиги майдонда ва барчага маълумдур. Агарда муҳтарам ношир ва китобчиларимиз мундан сўнг ахлок бузгувчи ошикона газаллар ва соғ эътиқодларни захарландиравчи хурофотлик афсона китоблар ўрнига мўътабар тарихий, ахлокий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмокга ташаббус этсалар, шояд бу хайрли ишлари аввалги гунохларининг юзини ёпар.

«Садойи Туркистон» жаридасига «Миллий тарихимизни ким ёзар?» мазмунида бир

## **Махмудхўжа Бехбудий. «Туркистон тарихи» керак (1914)**

Муаллиф:

13.03.2014 23:46 -

---

савол кўрулғон эди. Бизнинг фикримизча, мундай бир тарих ёзмоклик нихоятда кийин бир иш бўлуб, хозирда мунинг ифоси бизларнинг кўлимииздан келмайтургонга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни Туркистон тарихи или ошино бўла бошлаган ёш муаррихимиз муҳтарам Ахмад Заки Валидий афандининг каламидан умид этмакдамиз.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 38-сон, 898—900-бетлар.